



Мухаммад Халфа, кўлга тушгач, Кодиркул мингбоши ва эшонни бевосита тутиб берган Яъкуб кўрбошига (аслида Мадёкуб) шундай деган: «Икковинг ўлар вақтда жинни бўлиб ўлгил. Бизни русга тутиб берган кўлларинг билан ўзингни уриб, сўккан огзинг билан ўзингни тишлаб ўлгил!»

Эшонни тутиб берган Мадёкуб, шу воқеадан сўнг 5 ой ўтмасдан вафот этади. Бу ҳақда ҳужжатлар шундай хикоя қилади:

Рапорт

Андижон уездининг Кўкон кишлоғида яшовчи, ўтган йили мингтепалик Эшонни кўлга туширганлиги учун мазкур уезднинг Майгир бўлиси бошқарувчиси лавозимига тайинланган Мадёкуб Мадрахимов, беш ой хизмат қилгандан кейин, 1898 йил, 14 ноябрда казо қилди. Унинг хотини ва икки боласи яшаш учун ҳеч вақосиз қолди. Мадрахимовнинг мингтепалик эшонни тутишдаги хизматларини, оиласининг ўта камбағаллигини ҳисобга олиб, Сиз жаноби Олийларига илтимос қилиш шарафига муяссарманки, Сиз жаноби Олий ўз тасарруфингизда бўлган маблағ ҳисобидан бевага пул нафакаси тайинлаш мумкин деб ҳисоблай олмайсизми?
Бунга яна шуни қўшимча қилишга мушаррафманки, мен Болтабоевга фавқулодда ҳоллар учун маблағдан 25 сўм бердим.
Харбий Губернатор, генерал-майор Цикловский. 1889 йил. 12 июнь»
(Марказий Давлат архиви, 1-фонд, 3-рўйхат, 488-иш, 1-бет.).

19 сентябрда Туркистон генерал-губернаторлигидан жавоб хати келади. Фаргона вилояти харбий губернатори Туркистон губернаторига 1899 йил 16 октябрдаги рапортида шундай деб ёзган эди: «Сиз Жаноби Олийлари Андижон уездидаги кўконкишлоқлик, ўтган йили мингтепалик эшон Мадали халфани тутган марҳум Мадёкуб Мадрахимовнинг хотини Турсунбиби Мадрахимовага бир умрлик нафақа тайинлаш ҳақида илтимоснома ёзиш мумкин эмасми деб, менинг ҳулоса беришимга имкон яратибсиз.

Куйидаги маълумотларни:

- а) Мадрахимовдан колган болаларнинг сони ва уларнинг ёши;
- б) мазкур ерликнинг беваси бирор бир мулкка эгами ва у нимадан иборат,
- в) мазкур ерликнинг кун кўриши учун энг кам нафака миқдори хакида маълумот беришни тавсия қилибсиз.

Андижон уезди бошлиги менга куйидагиларни билдирди:

- а) 10 десятина ерга эгалик килувчи хамда эридан уй жихозлари ва 500 пудча гуруч мерос колган Мадрахимовнинг беваси моддий жихатдан тўла таъминланган;
- б) Мадрахимованинг икки боласи бўлиб, улардан бири Кўконкишлоқ бўлиси бошкармасида хизмат қилади ва Мадрахимованинг моддий мухтожлигидан эмас, балки унинг мархум эрининг барча аҳолига маълум хизматлари учун, ушбу ерлик бевага озгина, ойига 10 сўм миқдорда бўлса хам, нафака тўлаш маъкул бўларди.

Куйидагиларни: биринчидан, мархум Мадрахимовнинг оиласига тўланадиган йилига 120 сўмлик нафака «земство» кассасига оғир юк бўлиб тушмаслиги ва иккинчидан, мазкур нафаканинг тайинланиши Фаргона аҳолисининг кўз олдида руе маъмурияти ўзига содик одамларнинг хизматини муносиб такдирлай билишидан гувоҳлик беришидан келиб чиқиб, ушбу оиллага уезд бошлиги таклиф этган миқдорда нафака тайинланишига сўзсиз қўшиламан, мен томондан Сизнинг махкамангизга юборилган ва шу йилнинг 19 сентябрида 7992 раками остида жавоб тариқасида олинган Мадрахимованинг (Болтабоеванинг хам) аризасини қайтариб жўнатган холда, сўралаётган нафакани беш йил мобайнида бериш керак деб ҳисоблайман хамда Сиз жаноби Олийларининг эътиборингизга ва ҳукмингизга хавола этаман, ушбу фикрни билдиришга мушаррафман. Харбий губернатор, генерал-майор...

(имзо)

Шунга мувофиқ, Туркистон генерал-губернатори 1899 йил 30 октябрида империя харбий министрига хат билан мурожаат этиб, масалани ижобий ҳал этишни илтимос қилади. Натижада 1900 йил 18 январда, 2842 раками остида Петербургдан Тошкентга, Туркистон генерал-губернаторига мана бу мазмунда хат келади:
«Хазрати Олийларининг амри билан шу йилнинг 13 январида Андижон уездининг собик бўлис бошқарувчиси Ёқуб Мадрахимовнинг бевасига нафака — беш йил мобайнида, йилига 50 сўмдан, сарф-харажатлар ўлка «земство» маблагларига киритилган холда тайинланди, шу билан биргаликда, бу ҳақда молия министрига тегишли кўрсатма бериш учун хабар қилинди.

Бош штаб бошлиги Генерал-лейтенант Сахаров». (Марказий Давлат архиви, 1-фонд, 3-рўйхат, 488-иш, 9-бет.)

Шундай килиб, Туркистон миллий қахрамони, чоризм мустамлакачилик зулми кишанларини парчалаб ташлашга уринган Муҳаммад Халфани тутиб берган ва бунинг эвазига мустамлакачи маъмурият томонидан тақдирланган Мадёкуб Мадрахимовнинг ўлиmidан сўнг, чор ҳукумати томонидан унинг оиласига нафака тайинланади...

Рустам Шамсутдинов тайёрлаган.